



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 5 » август

№ 463

Toshkent sh.

Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз риоя этилиши ва мазкур турдаги қоидабузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этилиши бўйича назоратни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл ҳаракати қоидаларини бузган хорижий автотransпорт воситалари ҳайдовчилари ёки бошқа шахслардан тегишли жарималарни ушбу автотransпорт воситалари республика ҳудудидан олиб чиқиб кетаётилганда божхона органлари томонидан ички ишлар органлари “онлайн” режимда тақдим этган маълумотлар асосида ундириш механизми жорий этилсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган қоидалар:

Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг, шунингдек, уларга тенглаштирилган ташкилотларнинг автотransпорт воситаларига;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кирган ёки транзит ҳаракатланишда бўлган хорижий расмий делегациялар автотransпорт воситаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига республика ҳудудида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун тўланмаган жарималарни автотransпорт воситалари республика ҳудудидан олиб чиқиб кетилаётганда ундириш, жарима тўланмаган тақдирда эса жарима суммаси тўлиқ ундирилгунга қадар автотransпорт воситаларини ҳудудий ички ишлар органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 291-моддасида белгиланган тартибда вақтинча сақловга олиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча бўлиб турган ҳамда республика ҳудуди бўйлаб транзит ҳаракатланаётган хорижий автотransпорт воситалари божхона чегарасини кесиб ўтишида,

уларнинг республика ҳудудида йўл ҳаракати қоидаларини бузганлигини реал вақт режимида аниқлаш мақсадида Ички ишлар вазирлигининг махсус автоматлаштирилган фото ва видеофиксация маълумотлар базасини бир ой муддатда Давлат божхона қўмитасининг маълумотлар базаси билан интеграциялаштирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

йўл ҳаракати қоидаларини бузган хорижий автотранспорт воситалари ҳайдовчилари ёки бошқа шахслар томонидан тўланмаган жарималарни ушбу автотранспорт воситалари республика ҳудудидан олиб чиқиб кетилаётганда ундириб олиш чораларини кўрсин;

чегара божхона постларини замонавий камералар билан жиҳозласин, шу жумладан “Автотранспорт воситалари рақамларини аниқлаш тизими” ва дастурий таъминотлар билан таъминласин ҳамда ушбу техник воситаларни янгилаб бориш, ахборот тизимларининг доимий ишлаб туришини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни белгиласин.

5. Йўл ҳаракати қоидаларини бузган хорижий автотранспорт воситалари ҳайдовчиларидан божхона органлари томонидан ундирилган жарима суммасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ажратилиши белгиланган қисмнинг 50 фоизи Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармасига ўтказилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл ҳаракати қоидаларини бузган хорижий автотранспорт воситалари ҳайдовчиларидан жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 5 августдаги 463 -сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл ҳаракати қоидаларини
бузган хорижий автотранспорт воситалари ҳайдовчиларидан
жарималарни ундириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл ҳаракати қоидаларини бузган хорижий автотранспорт воситалари ҳайдовчиларидан жарималарни ундириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус маълумотлар базаси – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг (кейинги ўринларда – Ички ишлар вазирлиги) республика ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳолатларини қайд этиш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизими;

хорижий автотранспорт воситалари – хорижий давлатларнинг рўйхатга олиш идораларида рўйхатда турган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет эл фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, юклар ва йўловчиларни халқаро ташиш мақсадида вақтинча олиб кириладиган автотранспорт воситалари;

хорижий автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий автотранспорт воситасини бошқарадиган шахс;

чиқиш (кириш) божхона пости – ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат божхона қўмитаси) ҳудудий бошқармасининг бевосита раҳбарлигида амалга оширадиган ва унинг таркибига кирадиган, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг ўтиш пунктида жойлашган давлат божхона органи.

3. Мазкур Низом қоидалари:

Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг, шунингдек, уларга тенглаштирилган ташкилотларнинг автотранспорт воситаларига;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кирган ёки транзит ҳаракатланишда бўлган хорижий расмий делегациялар автотранспорт воситаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл ҳаракати қоидаларини бузган хорижий автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси ёки уни амалда олиб чиқаётган бошқа шахсдан тегишли жарималар ушбу автотранспорт воситалари республика ҳудудидан олиб чиқиб кетилаётганда божхона органлари томонидан ички ишлар органлари онлайн режимда тақдим этган маълумотлар асосида ундирилади.

5. Божхона органлари хорижий автотранспорт воситаси ҳайдовчиси ёки уни амалда олиб чиқаётган бошқа шахсдан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарималарни ундиришда Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базасидан Давлат божхона қўмитасининг маълумотлар базасига келиб тушган жарима солиш тўғрисидаги қарор асос бўлади.

6. Ички ишлар органининг жарима солиш тўғрисидаги қарори, божхона органлари томонидан онлайн режимда тақдим этилган “Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома” маълумотлари асосида реал вақтда автоматик шаклланади.

7. Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жарима, Давлат божхона қўмитасининг маълумотлар базасига келиб тушган жарима солиш тўғрисидаги қарорда қайд этилган миқдорда хорижий автотранспорт воситаси эгаси, ҳайдовчиси ёки уни амалда олиб чиқаётган бошқа шахсдан ундирилади.

2-боб. Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жаримани ундириш

8. Хорижий автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси ёки уни амалда олиб чиқаётган бошқа шахс республика ҳудудидан чиқиш учун давлат божхона органига мурожаат қилганда, давлат божхона хизмати органи ходими ушбу хорижий автотранспорт воситаси иштирокида республика ҳудудида содир этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатлари мавжудлигини ички ишлар органи томонидан тақдим этилган маълумотлар базаси орқали мустақил равишда текширади.

9. Давлат божхона хизмати органи ходими республика ҳудудида йўл ҳаракати қоидаларини бузган хорижий автотранспорт воситасининг ҳайдовчисини ёки уни амалда олиб чиқаётган бошқа шахсни транспорт воситасининг жарима суммасини тўлаш шарти билан республикадан олиб чиқилишига йўл қўйилиши тўғрисида огоҳлантиради.

10. Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базасидан Давлат божхона қўмитасининг маълумотлар базасига келиб тушган жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқиш божхона пости ходими томонидан икки нусхада чоп этилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг биринчи нусхаси тўлов амалга оширилган квитанция билан биргаликда чиқиш божхона пости иш юритувида

қолади, иккинчи нусхаси эса хорижий автотранспорт воситаси ҳайдовчисига ёки уни амалда олиб чиқаётган бошқа шахсга берилади.

11. Йўл ҳаракати қоидаларини бузган хорижий автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси ёки уни амалда олиб чиқаётган бошқа шахс жарима солиш тўғрисидаги қарорда қайд этилган жарима суммасини чегара божхона постидаги банк кассалари ёки электрон тўлов тизимлари ёхуд ўзига ўзи хизмат кўрсатиш терминаллари орқали тўлайди.

12. Чегара божхона постларидаги банк кассалари:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл ҳаракати қоидаларини бузган хорижий автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси ёки уни амалда олиб чиқаётган бошқа шахсдан жарима суммасини қабул қилади;

жарима суммаси қабул қилинганлиги ҳақида хорижий автотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгисини кўрсатган ҳолда квитанция расмийлаштиради ва унинг бир нусхасини хорижий автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси ёки уни амалда олиб чиқаётган бошқа шахсга беради.

Банк кассаси ходими жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг патта ва хазиначи қисмларини ўз имзоси ва муҳри билан тасдиқлайди, патта қисми иш юритувида қолади, қолган қисми эса хорижий автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси ёки уни амалда олиб чиқаётган бошқа шахсга қайтарилади.

13. Жарима суммаси электрон тўлов тизимлари ёхуд ўзига ўзи хизмат кўрсатиш терминаллари орқали тўланади, божхона пости ходими электрон тўлов тизимлари орқали мустақил текширади ва жарима суммаси тўланган тақдирда, бу тўғрисидаги тегишли маълумотларни Давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида (кейинги ўринларда – ДБК ЯААТ) шакллантирган ҳолда, хорижий автотранспорт воситасининг республика ҳудудидан чиқишига рухсат беради.

14. Ички ишлар органи тўланган жарима суммаси бўйича маълумотларни давлат божхона хизмати органи томонидан ДБК ЯААТда онлайн режимда кўриш имкониятини яратади.

15. Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима суммаси тўланмаган тақдирда, давлат божхона хизмати органи ҳудудий ички ишлар органлари билан биргаликда автотранспорт воситаларини ушбу жарима суммаси тўлиқ ундирилгунга қадар мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шаклдаги далолатнома асосида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 291-моддасида белгиланган тартибда вақтинча сақловга олади.

Агар экспорт юklarини ташиш жараёнида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилганлиги бўйича жарима суммасини тўлаш имконияти бўлмаганда, кейинчалик тўлаш шарти билан, шу жумладан жарима суммаси тўланмаган тақдирда мазкур транспорт воситаси ёки мулкдорга (ҳайдовчига)

тегишли бошқа транспорт воситаси келгусида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча сақловга олиниши тўғрисида 2-иловага мувофиқ шаклдаги далолатнома асосида ёзма равишда огоҳлантирилиб, вақтинча сақловга олинмасдан божхона постининг республикадан чиқиш йўналиши орқали ҳаракатланишига рухсат берилади.

Бунда чиқиш божхона пости ходими Давлат божхона қўмитасининг маълумотлар базасида ушбу бандга мувофиқ транспорт воситаси ҳайдовчиси огоҳлантирилганлиги тўғрисида тегишли белги қўяди.

Огоҳлантириш берилганлик бўйича жарима суммаси тўланмаган транспорт воситаси ёки мулкдорга (ҳайдовчига) тегишли бошқа транспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганда вақтинча сақловга олинади ва тўланмаган қарздорлик суммасини мазкур Низом ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ундириб олиш чоралари қўрилади.

Бунда ташқи савдо юклари ташувлари амалга оширилаётган бўлса, тўланмаган қарздорлик суммасини ундириб олиш чоралари чегара ёки ташқи савдо юклари етказиб бериладиган манзилдаги божхона постларида амалга оширилади.

Транзит ташувларни амалга оширишда эса йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилганлиги бўйича қарздорлик суммалари тўланмагунга қадар республика ҳудудига киритилмайди.

16. Низомга 1-иловадаги далолатнома уч нусхада тузилиб, унинг биринчи нусхаси – транспорт воситасини вақтинча сақлаш учун масъул бўлган шахсда, иккинчи нусхаси – чиқиш божхона пости иш юритувида қолади, учинчи нусхаси эса транспорт воситасининг ҳайдовчисига ёки уни амалда олиб чиқаётган бошқа шахсга берилади.

Низомга 2-иловадаги далолатнома икки нусхада тузилиб, унинг биринчи нусхаси – чиқиш божхона пости иш юритувида қолади, иккинчи нусхаси эса транспорт воситасининг ҳайдовчисига ёки уни амалда олиб чиқаётган бошқа шахсга берилади.

Далолатномалар уни тўлдирган давлат божхона хизмати ходими имзоси ва шахсий муҳри билан тасдиқланади ва бу тўғрисида ДБҚ ЯААТга тегишли маълумотларни киритади.

Далолатномалар ҳисоби ДБҚ ЯААТда юритиб борилади.

17. Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима суммаси тўланмаган автотранспорт воситаси белгиланадиган жойларда 60 календарь куни сақланади.

18. Жарима суммаси 60 календарь куни ичида тўланмаган тақдирда, тўланмаган қарздорлик суммасини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий ижро ва суд органлари билан ҳамкорликда транспорт воситаси ҳисобидан ундириш чоралари қўрилади.

19. Қарздорлик бўйича якуний қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмасдан, давлат бюджетига ундирилган суммадан қарорда белгиланган миқдордаги маблағ Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармасига ўтказилади.

3-боб. Якунловчи қоида

20. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл ҳаракати
қоидаларини бузган хорижий автотранспорт
воситалари ҳайдовчиларидан жарималарни
ундириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Жарима суммаси тўлиқ ундирилгунга қадар автотранспорт воситасини
вақтинча сақловга олиш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

_____ -сон
божхона пости коди/сана /рақами

20__ й. “__” _____

(ҳудуд)

Транспорт воситаси русуми _____ давлат белгиси _____

Транспорт воситасини вақтинча сақловга олиш сабаби (жарима суммаси тўланмаганлиги, жарима солиш
тўғрисидаги қарор рақами ва санаси, жарима суммаси (рақамда ҳамда сўз билан) ва бошқа маълумотлар)

Вақтинча сақловга олинган транспорт воситаси ва унга тегишли ҳужжатлар (Йўл ҳаракати тўғрисидаги
конвенцияга (Вена, 1968 йил 8 ноябрь) мувофиқ автотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги
гувоҳнома, ишончнома (агар мавжуд бўлса), суғурта полиси ва бошқа)

(транспорт воситаси вақтинча сақловга олинган жой (манзили, номи))

Транспорт воситасининг ташқи кўриниши: 3. Антенна _____

1. Ойна тозалагич _____ 4. Балонлар ҳолати _____

2. Ён ойнаси _____ 5. Кузов ҳолати _____

Салон:

1. Орқа кўриниш ойнаси _____ 5. Бар _____

2. Магнитофон _____ 6. Ўриндиқлар ҳолати _____

3. Бош қўйғич _____ 7. Бошқа буюм ва жиҳозлар _____

4. Парда _____

Багажда:

1. Эҳтиёт балон _____ 2. Домкрат _____ 3. Темир калитлар _____

(транспорт воситасида пул ва қимматбаҳо буюмлар, агар бундай буюмлар бўлган тақдирда номи
кўрсатилади)

Жарима суммаси 60 календарь кун ичида тўланмаганда, қарздорлик суммасини
транспорт воситаси ҳисобидан ундириш чоралари кўрилиши юзасидан огоҳлантирилади.

Ҳайдовчи: _____
(фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси)

Қабул қилувчи: _____
(фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси)

Божхона ходими: _____
(фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл ҳаракати
қоидаларини бузган хорижий автотранспорт
воситалари ҳайдовчиларидан жарималарни
ундириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Экспорт юклар ташувини амалга ошираётган транспорт воситасини
йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жарима
суммасини келгусида тўлаш шарти билан республика ҳудудидан
олиб чиқилишига рухсат беришда, транспорт воситасини
амалда олиб чиқаётган шахсни (эгаси, мулкдор, ҳайдовчи)
огоҳлантириш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

_____ -сон
божхона пости коди/сана/рақами

20__ й. “__” _____

_____ (худуд)

Транспорт воситаси русуми _____ давлат белгиси _____

Жарима солиш тўғрисидаги қарор рақами ва санаси, жарима суммаси (рақамда ҳамда сўз билан).

Республика ҳудудидан олиб чиқилишига рухсат берилган, экспорт юклар ташувини амалга
ошираётган транспорт воситаси ва унга тегишли ҳужжатлар (Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенцияга (Вена, 1968
йил 8 ноябрь) мувофиқ автотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома
(агар мавжуд бўлса), сугурта полиси ва бошқа)

Ташилаётган экспорт товарлари тўғрисида қисқача маълумот (номи, қиймати, вазни),
БЮД ва ЮЕБНК рақами.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жарима суммасини тўлаш
имконияти бўлмаганда, кейинчалик тўлаш шарти билан, шу жумладан жарима суммаси
тўланмаган тақдирда мазкур транспорт воситаси ёки мулкдор (ҳайдовчи)га тегишли
бошқа транспорт воситаси келгусида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча
сақловга олиниши ҳамда 60 календарь куни ичида тўланмаганда, қарздорлик суммасини
транспорт воситаси ҳисобидан ундириш чоралари кўрилиши юзасидан огоҳлантирилади.

Ҳайдовчи: _____
(фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси)

Божхона ходими: _____
(фамилияси, исми, отасининг исми, имзоси)

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “ 5 ” августдаги 463-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ 2010 й., 14-15-сон, 106-модда) билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорларида:

а) 3-позиция қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“ 3.	Давлат божхона кўмитаси	Кўрсатилган хизматлар учун божхона йиғимлари ва тўловлар шаклидаги тушумлар	50
		Божхона органлари ва Чегара қўшинлари томонидан олиб қўйилган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан олинган маблағлар	25*
		Махсус автоматлаштирилган фото ва видеофиксация техника воситалари қайд этган хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун божхона органлари томонидан ундирилган жарима суммаси	25”

б) 9-позиция қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“ 9.	Ички ишлар вазирлиги	Йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималар суммаси, махсус автоматлаштирилган фото ва видеофиксация техника воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарима суммасидан ташқари	45
		Махсус автоматлаштирилган фото ва видеофиксация техника воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарима суммаси (божхона органлари томонидан ундирилган жарима суммаси бундан мустасно)	50
		Махсус автоматлаштирилган фото ва видеофиксация техника воситалари қайд этган хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун Давлат божхона кўмитаси томонидан ундирилган жарима суммаси	25

	Автомототранспорт воситалари қайта рўйхатдан ўтказилганлиги учун тўлов суммаси	8
	Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан олинган маблағлар	8
	Чиқиш ва кириш визалари берилганлиги, улар муддатининг узайтирилганлиги, вақтинча рўйхатдан ўтказилганлиги ва турган жойи бўйича ҳисобга олинганлиги, доимий яшаш учун ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги учун давлат божлари	8

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” 1997 йил 30 июлдаги 374-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 7-сон, 26-модда) 7-бандининг иккинчи хатбошисидаги “тушумларнинг 40 фоизи миқдоридаги ажратмалар” сўzlари “тушумлар” сўзи билан алмаштирилсин.

